



ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА АКСИОЛОГИК ТИЗИМ ВА ОИЛАВИЙ БАХТНИ ТАЪМИНЛАШДА СУБЪЕКТИВ ОМИЛЛАР РОЛИ

Amirxo'jayev Sh.Q.

*“University of economics and pedagogy” notm
“iqtisodiyot va ijtimoiy fanlar” kafedراسи
f.f.b.f.d, dosenti.*

Таянч сўзлар: оила, оилавий қадриятлар, оилавий бахт, никоҳ, бахт индекси, оиланинг функциялари, оилавий муносабатлар эволюцияси.

Ключевые слова: семья, семейные ценности, семейное счастье, брак, индекс счастья, семейные функции, эволюция семейных отношений.

Key words: family, family values, family happiness, marriage, happiness index, family functions, evolution of family relationships.

Бахт ахлоқий онг ва унинг фаолиятига тааллуқли тушунча ҳисобланиб, инсоннинг маиший ва ижтимоий турмушидан ички мамнунлигини ҳис этиб, объектив вазиятни ёки субъектив ҳолатни тавсифлайди. Шу сабабли, фанда бахтиёрлик индексининг кўрсаткичлари белгиланган ва унинг асосида жаҳон бахт индекси (The happy Planet Index) бўйича “New Economic Foundation” тадқиқот маркази тадқиқотлар ўтказиб, давлатлар рейтингини белгилаб беради. Бу рейтинг кўрсаткичи турли давлатлар аҳолисини ҳаётдан мамнунлиги ва ундан завқ олиш тарзини тавсифлаб, жамиятда идрок ва тафаккур маданиятини шакллантиришни ижтимоий-маданий аҳамиятдорлик даражасини белгилаш имконини беради.

Бахт инсонни алоҳида ҳолатдан (жараёндан) қоникқанликни, бахтиёрлик эса ижобий кечинмалардан завқланганлик сабабли мамнуниятни ҳаракатларни ифодалаш, муносабат билдириш, турли имо-ишоралар тарзида ифодалаб беради. Шу сабабли, ҳар бир инсон аниқ мақсадни белгилаб, бахтга эришиш учун лаёқат ва салоҳиятини онгли тарзда йўналтиради. Бахтни шахсий ҳаётни намунавий кечишини таъминлай олганлиги, эгаллаган касб туфайли ижтимоий мавқе ва нуфузга эга бўлганлик билан ҳам боғлаб, классификациясини амалга ошириш фалсафа, психология ва со-



циология фанларида кузатилади. Бу классификациялар қаторида оилавий бахт мазмундорлиги жиҳатидан, инсон ҳаётини турли жабҳалари билан бевосита боғлиқлиги сабабли алоҳида ўринга эга. Оилавий бахт қадрият саналиб, уни шаклланиши ва ривожланишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Тадқиқот доирасида оилавий бахтни таъминлашда бевосита иштирок этувчи ижтимоий-фалсафий омилларни аниқлашга ҳаракат қилдик. Бунинг учун ижтимоий институт сифатида оиланинг тарбияловчи, мақсадга йўналтирувчи, сафарбар этувчи, мослаштирувчи, ҳордик чиқарувчи, насл қолдирувчи, психотерапевтик, бахтга ериштирувчи каби функцияларни бажаришини инобатга олиб, унинг замирида инсонни камолотга етаклаш мужассамлашганлигини белгилаб олдик. Таъкидлашича “оиладаги барқарорлик инсон камолоти учун субстрат ҳисобланиб, унинг барқарорлиги бир нечта омилларга боғлиқ бўлиб, уларни тузилмавий жиҳатларини инобатга олиб, объектив ва субъектив каби гуруҳларга ажратиш мумкин” экан. Илмий манбаларнинг қиёсий таҳлили ва социологик сўровларнинг натижаси асосида уларни қуйидагича кўрсатиб ўтиш лозимки, объектив гуруҳга оиланинг доимий яшаш жойининг мавжудлиги (макон), оиланинг моддий фаровонлиги, моддий жиҳатдан оила аъзолари, яъни эр-хотин ўзларини таъминлай олиши, оила аъзоларининг сони кабиларни киритиш мумкин. Субъектив гуруҳга эса оилада ўзаро муносабатлар тарзи, оила аъзоларининг маълумот даражаси, оила аъзоларининг иш билан таъминланганлиги, оила аъзоларининг шахсий маънавияти, оила аъзоларининг ҳуқуқий маданияти кабиларни киритиш мумкин.

Оилавий бахтни таъминлашда субъектив омилларни роли ва иштирок даражасини белгилаш учун фалсафа, социология, ҳуқуқшунослик, психология ва педагогика фанлари доирасида амалга оширилган тадқиқотларни таҳлилини амалга оширидик. Аниқланишича, оилавий бахтни таъминлашда:

- ёшларни оила ва никоҳ ҳақидаги тасаввурлари;
- оиланинг функциялари ҳақида билимдонлиги;
- эр-хотинни оиладаги роли ҳақида тасаввурининг шаклланганлиги;
- оилавий ҳаётда вужудга келадиган маиший ва моддий қийинчиликлар ва уларни бартараф этишга доир билими;
- фарзандли бўлиш, яъни ота ва оналик масъулиятини англай олиши;
- ота-оналарни келин/куёвнинг вазифалари ва роли ҳақидаги тасаввур;
- ота-оналарни қайнона/қайноталик вазифасини бажара олиши;
- оила аъзоларини ёш оилага бўлган муносабатлари ва бошқалар.



Оилавий бахтга эришишни таъминлаш учун, оилавий муносабатлар эволюциясини кузатиш лозим бўлади. Чунки, шу давр давомида эр ва хотинлар оилавий бахт кадрият эканлигини англаб, уни таъминлаш учун ҳаракат қилишади. Никоҳни давомийлигига кўра оилалар қуйидагича гуруҳланади:

- 1 йилгача – ўта ёш оилалар;
- 1-3 йил – ёш оилалар;
- 3-5 йил – ўрта ёшли оилалар;
- 5-10 йил – етук ёшли оилалар;
- 10-19 йил ва ундан ортиқ – кекса ёшли оилалар.

Ҳар бир давр маълум бир нуқтадан бошланадики, уни биринчи босқичи сифатида мослашиш, яъни келин ва куёвни бир-бирининг индивидуал маънавий дунёсига “кириб бориш”, ўзаро қўникиши, оилавий мажбуриятни ўзлаштириши ва бажариши, оила ҳаётининг йўлини танлаши, бўш вақтни мароқли ўтказишни ташкил этиши, бир бирларини вазифадорлиги жиҳатидан тўлдириб боришни ўрганиши кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Ёш келин ва куёвда ҳали биргаликда умргузаронликнинг маҳорати шаклланмаган даврда оилавий мажбуриятларни тўлиғича ҳис қилмаслик, бир-бирининг хоҳиши, кайфияти ва фикри билан ҳисоблашиши энди ўрганилаётган жараёнда, келин-куёвларга шахсий ва оилавий ҳаёт тарзини таъминлашда мувозанатни таъминлашга доир билим ва тажриба етишмаслиги сабабли, уларга ҳаётий тажрибаларга суяниб-гина эмас, балки аниқ вазиятни инобатга олган ҳолда компетентли маслаҳат бериш лозим бўлади. Шу сабабли, “2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг IV. Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида оила институтининг ҳаётини режалаштириш, оила аъзоларини фаровон ҳаёт тарзини таъминлаш масалаларига мажмуавий тарзда ёндашилган. Жумладан: “оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматга эришишини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада амалга ошириш” кўрсатиб ўтилган.

Шу билан бирга мамлакатимизнинг ҳар бир туманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг /3808/1410-сонли қарори асосида “Оила марказлари” ташкил этилиб, оилалар ҳаётини таъминлашга амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Масалан, ёшлар эндигина эр ва хотин ролига кири-



шишаётган, эр-хотин шахси шаклланаётган бир даврда, улардаги ҳаётий тажриба етишмаслиги натижасида маънавий камолот жараёни силлиқ кечмайди. Натижада турли шаклдаги зиддиятлар ва келишмовчиликлар вужудга келади. Оилавий ҳаётда мувозанатни таъминлаш жиҳатидан бу давр оиланинг оғир ва хавфли даври ҳисобланади. Бу даврда катта ва кичик масалаларда ўзаро қарор қабул қила олмаслик, бир-бирига турли даъволар ва очиқ тарзда эътирозлар билдириш билан характерланади. Шу сабабли, бу даврда оила маънавияти масаласи бўйича ёшларга маслаҳат ва маҳорат дарсларидан сабоқ олишга эҳтиёж сезилади. Бунда Оила марказлари билан бир қаторда маҳалла раиси ва фаоллари бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, айбдор ёки айблов чиқариш эмас, балки масалани ечимига илмий жиҳатдан ёндашишлари мақсадга мувофиқдир.

Назарий жиҳатдан иккинчи босқичда оила ривожининг туғилиши билан боғлиқ бўлади. Бола эр-хотин ўртасидаги муносабатларнинг янада ўзгаришига, яъни уларнинг оталик ва оналик бурчларини шаклланишига сабаб бўлиб, вақт ва оилани моддий таъминлаш масаласини қайта кўриб чиқилишига олиб келади. Бу пайтда ёш ота ва оналарда мақсад ва қарорлар бирлигига асосланган муносабатлар ҳали шаклланиб улгурмаган бўлади. Натижада ёшлар ҳаётига катта авлоднинг аралашуви яққол кузатилади. Агарда катта авлод вакиллари ҳаёт чиғиригидан позитив хулоса чиқариб, ёшларга нисбатан ўз муносабатларини шакллантирсалар, оилавий ҳаёт жараёнининг галдаги ўсиш жараёнининг самарали кечиши таъминланади. Шунга қарамасдан, ёш ота ва ёш оналарга оилада фарзанд камолотини таъминлаш масаласига доир тиббий, педагогик, ахлоқий ва руҳий жиҳатлардан фақатгина маслаҳат эмас, балки амалий ёрдам бериш мақсадга мувофиқдир.

Оила ривожининг учинчи босқичи эр ва хотинни бир-бирини ўзаро тушуниши ва бир-бирига ён босиб ҳаётгузаронлик қилиши билан ажралиб туради. Бу босқичда оилада эр, хотин ва фарзанд ҳамда бошқа авлод вакиллари ўрни аниқ белгиланган бўлади, уларни ўзгартиришга оид ортиқча ҳаракатлар ҳам кузатилмайди. Агарда ташқи (бировларнинг таъсирига тушмаслик, яъни айтди, деди кабилар) омилларнинг таъсири кузатилмаса. Лекин қайнота ва қайноналарнинг оила ҳаётини таъминлашдаги иштироки бу даврда сезилари бўлади. Улар намуна, ибрат кўринишида фарзанд тарбиясига яқиндан амалий ёрдам бериш билан бирга, оиланинг моддий таъминотига ҳам ҳисса қўшадилар. Шу тарзда ёш онанинг шахси шаклланиши билан бирга, унда бўлажак қайнона родини эгаллашга оид тасаввурлар шаклланади. Ота шахсида ҳам турли кўринишдаги ўзгари-



шлар кузатилади. Уларга ота ва онанинг фарзанд олдидаги мажбурияти, ота ва онанинг бурчига оид маслаҳат бериш тавсия этилади.

Оила ривожининг тўртинчи босқичи барқарорлик ва мустаҳкам муносабатлар билан характерланади. Болалар ўсиб оилани янада мустаҳкамловчи асосга айланишади, бу вақтда эр-хотин ўртасида жуда кам ҳолларда келишмовчиликлар келиб чиқиши кузатилади. Аммо бу даврда эр ёки хотинни доимий иш билан таъминланганлиги оила ҳаётини мувозанатда сақлаш учун алоҳида таъсир кўрсатади. Шу сабабли, оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириб, оила аъзоларини иш билан таъминлаш учун ўқитиш, қайта тайёрлаш каби курсларини жорий этишлари самарали натижа беради.

Оила ривожининг бешинчи босқичи эр-хотин муносабатларининг кейинги барқарорлашиши билан изоҳланади. Бу даврда болалар улғайиб бориши билан ота-оналарнинг тарбия бериш билан боғлиқ ҳамкорлиги масаласи долзарблашади. Бу даврда эр-хотинлар келишилган тарзда фарзанд тарбиясига ёндашишлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Билдирган фикрларни умумлаштириб, таъкидлаш мумкинки:

- биринчидан, оилани ижтимоий институт сифатида илмий ўрганиш турли фанлар доирасида амалга оширилган бўлиб, илмий асосланган тавсиялар яратилган ва уларни таълим-тарбия амалиётида қўллаш учун ижтимоий механизм яратилган, реал вазиятдан келиб чиққан ҳолда такомиллашиб бормоқда;
- иккинчидан, инсон камолоти масаласини илмий ўрганишда аниқ методикаларни қўллаш нафақат ёш, жинс, этник, ҳудудий, касбий хусусиятларни аниқлашга имкон беради, балки камолотга эришиш жараёнининг жорий ҳолатини белгилаб, уни идеал ҳолатга етказиш учун зарурий ҳисобланган маърифий тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш учун амалий хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда) strategy.regulatoin.gov.uz
2. Маънавий ҳаёт. 1 (2) -сон, 2014. 14-15 - бет.
3. Самаров Р. Инсон камолоти ва ижтимоий муҳит (оила институти мисолида). Соғлом оила – соғлом жамият асоси // Халқаро илмий–амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2012. – Б.198–200.
4. Рашковский, Е.Б. Феномен семьи (междисциплинарные заметки) // Вопросы философии. – 2010. – № 10. – С. 27-37., Соколюк, Н.В. Проблема родительства в русской философской традиции // Вестник Тихоокеанского государственного экономического университета. – 2010. – № 55. – Т. 3. – С. 119-134.



5. Sh.Q.Amirxo'jayev. Jadidlarning ma'rifatchilik xarakati. – Andijon: “Andijon nashriyot-matbaa” MCHJ, 2023. – B.8-9.

6. Amirhozhaev, S. K. (2019). Education is the foundation of development: social and philosophical interpretation. Scientific and Technical Journal of Namangan Institute of Engineering and Technology, 1(11), 134-141.

7. Kurbonovich, A. S. (2021). Features of the ethnocultural model of family relations in families. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(9), 23-28.

8. Сычева, О.А. Медиатор в семейном споре (к вопросу о подготовке специалиста по семейной медиации) // Ульяновский государственный педагогический университет им. Н.И. Ульянова. Ульяновск. – 2012. – № 2 (2). – С. 125-130., Социология семьи: учебник / Под ред. А.И. Антонова. – 2-е изд., переработанный и доп. – М.: Инфра-М, 2007. – 640 с.

9. Гусева Т.С. Социальное обеспечение семьи, материнства, отцовства и детства в России: теоретические и практические проблемы // Автореф... дисс. ...д-ра юрид. наук. – М., 2012. – 53 с.

10. Психология семейных отношений с основами семейного консультирования / Под ред. Е. Силяева. – М.: Академия, 2011. – 192 с.

11. Шапошникова Т.Е. Родительство как педагогический феномен // Вестник Новосибирского государственного университета. – 2010. – № 2. – Т. 11. – С. 86-91., Кричевская Е.В. Историко-культурные представления о роли отца в российской семейной традиции // Дисс. ...канд. пед. наук. – СПб., 2009. – 214 с.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Ўзбекистонда оилавий муносабатларнинг ривожланиш динамикаси ҳақида фикрлар билдирилган. Мақолада жаҳон бахт индекси бўйича “New Economic Foundation” тадқиқот маркази томонидан берилган статистик маълумотлар киёсий ўрганилган. Шунингдек, оилавий бахтни таъминлашда субъектив омиллари роли ва иштирок даражасини белгилаш учун фалсафа, социология, ҳуқуқшунослик, психология ва педагогика фанлари доирасида амалга оширилган тадқиқотлар ўзаро таҳлил қилиб ўтилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье дается обзор динамик и развития семейных отношений в Узбекистане. В статье анализируются статистические данные, предоставленные Научно-исследовательским центром по поведенческому индексу Нового экономического фонда. Кроме того, было проведено исследование для изучения роли субъективных факторов в семейном счастье в области философии, социологии, юриспруденции, психологии и педагогики.

SUMMARY

This article gives an overview on the development trends in family relations in Uzbekistan. The article analyzes the statistical data provided by the New Economic Foundation Research Center for World Behavioral Index. In addition, research was conducted to investigate the role and the role of subjective factors in family happiness in the field of philosophy, sociology, jurisprudence, psychology and pedagogy.